

ҚОН—ҚАРДОШ ҚОРАҚАЛПОҚ ДУСТИМИЗ, БАИРАМ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЙЛ
ЧИКИШИ.


№ 229 (5322).

22
НОВАБРЬ
Ж У М А

1974 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИА-
ЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА
50 ЙИЛ ТЎЛАДИ



Суратда: Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукус шаҳридаги В. И. Ленин номи майдон.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ВЛАДИВОСТОККА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 20 ноябрда Владивостокка жўнаб кетди. Узоқ келишувга мувофиқ, бу ерда ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари АҚШ президенти И. Форд билан учрашди.

КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громио, граждан авиацияси министри В. П. Бугаев, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ерданчи А. М. Алексан, дров, ТАСС бош директори Л. М. Замиятин, ССР Ташқи ишлар министри коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Ю. В. Андропов, А. А. Греčko, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров,

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 21 ноябр кунин Хабаровскда Узоқ Шарқ ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари билан учрашди.

Бўлиб ўтган самий, ўртоқларча суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюросининг аъзоси А. А. Громио қатнашди. Суҳбатда КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний, КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари С. С. Авраменко, КПСС Камчатка область комитетининг биринчи секретари Д. И. Качин, КПСС Магадан область комитетининг биринчи секретари С. А. Цайдуков, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари П. А. Леонов, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Г. К. Чиряев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ерданчиси А. И. Блатов ва бошқалар. Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. В. Мэлоу, МХРнинг СССРдаги элчиси Х. Банзрагч бор эди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚ ЎЛКА ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

шу жумладан Байкал-Амур магистрალი қурилишини тезлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

КПСС ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари беш йиллик тўртинчи йили плани қандай бажарилаётганини тўғрисида, Узоқ Шарқ меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари ҳақида, партия Марказий Комитетининг қақриғига жавобан юксак меҳнат унумдорлиги учун,

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ К. Д. КАУНДАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида расмий визит билан келган Замбия республикасининг президенти Кеннет Дэвид Каунда 20 ноябр кунин Кремлда қабул қилди.

К. Д. Каунда Замбия халқининг ўз давлати мустақиллигини мустақамлаш ва мустақамлачиликлар мерос бўлиб қолган оғир проблемаларни ҳал этиш йўлида кучгайрат сарфлаётганлиги тўғрисида гапирди. Л. И. Брежнев Замбия халқининг мустақамлачилиги сарфлаганига ва Африкада янгиликларига қарши қўйилган жасоратига юксак баҳо берди.

Л. И. Брежнев билан К. Д. Каунда Совет—Замбия муносабатларини мустақамлаш ва кенгайтиришга, шунингдек тинчлик, кескинлигини юмшатиш ва халқларнинг миллий озодлиги манфаатларини қўллаб, халқаро майдонда икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни мустақамлаш ишига натижаларини изҳор қилдилар.

Суҳбат рўй-рост, дўстона вази-
ятда ўтди.

ТАХИЯТОШДА МИТИНГ

ТАХИЯТОШ, 21 ноябр. (ЎзТАГ махсус мухбирлари М. Чинбергенов, Ю. Юдин). Бугун Тахиятош энергетикларининг клубида гидроэнергетик курувчилар, энергетиклар, механизаторлар, монтажчилар, ремонтчилардан неча юзлаб кишилар Қорақалпоғистон автоном республикаси ташкил этилганлигининг ярам асрлик юбилейига бағишланган митингга йи-
гилдилар.

«Қарақалпақгидроэнергострой» бошқармасининг бошлиғи Б. С. Личагин митингни оча туриб айтди, Тахиятош гидроузели, ГРЭС, шахтарининг ўзи барча қардош совет халқлари бўлибмас дўстлигининг ёрқин далилидир, чунки уни бутун мамлакат қурди ва қуришда давом этмоқда. Гидроузел қуриб битказилган. Қорақалпоғистонда 350 минг гектар қуриқ ерин ўзлаштириш, қушни Туркманистонда қатта-қатта майдонларни сугориш мумкин бўлади.

Митингда комплекс бригада
бошлиғи Меҳнат Қизил Байроқ
ордени кавалери К. Кузенов ва
«Тахиятошгидроэнергострой» бош-
қармаси автобазасининг илгир
ҳайдовчиси П. Краев республика
ини янада равақат топтириш тўғ-
рисида унинг меҳнатчилари ҳа-
қида ҳамхўрлик қилаётганликлари
учун Совет Иттифоқи Коммуни-
стик Партияси ва Совет Хукума-
тига қизгин миннатдорчилик бил-
дирилди.

Митингда Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитети Бюроси-
нинг аъзолари ва биро аъзоли-
гига кандидатлари Н. М. Матчон-
ов, Н. Ж. Худойбердиев, С. Е. Бе-
лоножко, Қ. Камолов, И. Р. Қурбо-
нов, В. Г. Ломоносов, М. М. Муса-
хонов, А. А. Хўжаев, қат-
нашдилар.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БАИРАМ АРАФАСИДА

НУКУС, 21 ноябр. (ЎзТАГ махсус мухбирлари М. ЧИМ-БЕРГЕНОВ, Ю. ЮДИН). Шу Қорақалпоғистон ва Туркманистон, қурилда қизил байроқлар ва қирғиз транспарантлар билан безатилган, ранг-баранг қиоқлар ва гуллар яшнатиб турган, қумуш куз сеп ёйган Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва посёлкалари айниқса ўз ҳусн-замонини кўз-кўз қилиб турибди. Автоном республика меҳнаткашлари катта ва қувончли байрам — Қорақалпоғистон АССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини тантанали нишонлашга тараддуд қурмоқдалар.

Қорақалпоғистондаги байрам чинакам умумхалқ шодонасига айланди. Меҳнатсевар ва талантли қорақалпоқ халқининг қардош совет халқлари оиласида улуг Октябрь туфайли ву-
жуда келган янги, эркин ва бахтиёр турмушнинг ярим асрлик тарихи давомида экономи-
ка ва маданиятни ривожланти-
ришда эришган ажойиб муваф-
фақиятлари билан табриклаш
учун бу ерга келатган қўндоқ-
қўп меҳмонларни Нукус меҳ-
мондўстлиги билан кутиб олмақ-
да.

Юбилей тантаналарида қат-
нашиш учун келган меҳмонлар
аввало Нукуснинг бош майдони-
га қўйилган В. И. Ленин
хайкалининг эиерат қилаётган-
ликлари бежиз эмас. Совет ар-
миясининг жангчилари хай-
кал ёнида фахрий коро-
вуликда туришибди. Мос-
ква, Краснодар ўлкаси, қар-
мхусе мухбирлари М. ЧИМ-
БЕРГЕНОВ, Ю. ЮДИН). Шу
Қорақалпоғистон ва Туркманис-
тон, қурилда қизил байроқлар
ва қирғиз транспарантлар билан
безатилган, ранг-баранг қиоқ-
лар ва гуллар яшнатиб турган,
қумуш куз сеп ёйган Қорақал-
поғистоннинг шаҳар ва посёл-
калари айниқса ўз ҳусн-жа-
монини кўз-кўз қилиб турибди.
Автоном республика меҳнат-
кашлари катта ва қувончли
байрам — Қорақалпоғистон
АССР ташкил этилганлигининг
50 йиллигини тантанали ниш-
онлашга тараддуд қурмоқдалар.

Қорақалпоғистондаги байрам
чинакам умумхалқ шодонаси-
га айланди. Меҳнатсевар ва
талантли қорақалпоқ халқининг
қардош совет халқлари оиласи-
да улуг Октябрь туфайли ву-
жуда келган янги, эркин ва
бахтиёр турмушнинг ярим аср-
лик тарихи давомида экономи-
ка ва маданиятни ривожланти-
ришда эришган ажойиб муваф-
фақиятлари билан табриклаш
учун бу ерга келатган қўндоқ-
қўп меҳмонларни Нукус меҳ-
мондўстлиги билан кутиб олмақ-
да.

Юбилей тантаналарида қат-
нашиш учун келган меҳмонлар
аввало Нукуснинг бош майдони-
га қўйилган В. И. Ленин
хайкалининг эиерат қилаётган-
ликлари бежиз эмас. Совет ар-
миясининг жангчилари хай-
кал ёнида фахрий коро-
вуликда туришибди. Мос-

Л. И. БРЕЖНЕВ ХАБАРОВСКА КЕЛДИ

ХАБАРОВСК, 21 ноябр. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громио, Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлиб борган бошқа расмий кишилар бугун Хабаровскка келишди.

Бундан илгари хабар берилганидек, ўртоқ Л. И. Брежнев ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар тўғрисида фикрлашиб олиш

учун 23—24 ноябрда АҚШ президенти Ж. Форд билан учрашди. КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний, КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари С. С. Авраменко, КПСС Камчатка область комитетининг биринчи секретари Д. И. Качин, КПСС Магадан область комитетининг биринчи секретари С. А. Цайдуков, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари П. А. Леонов, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари

Г. И. Чиряев, яхудиайлар автоном области КПСС область комитетининг биринчи секретари Л. В. Шапиро Хабаровск ўлка икноия комитетининг раиси Г. Е. Подгаев, КПСС Хабаровск ўлка комитети бюросининг аъзолари, қизил байроқ орденли Узоқ Шарқ чегара округи ҳўшнарларининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. Д. Песков Хабаровск аэропортида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни кутиб олди-
лар.

ЗАМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ КУТИБ ОЛИШ

Замбия республикасининг президенти доктор Кеннет Д. Каунда СССР Олий Совети Президиуми ҳамда Совет ҳукуматининг тақли-
фига биноан 20 ноябрда расмий визит билан Москвага келди.

КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийосий Бюросининг аъзоси СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, бошқа расмий кишилар Замбия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэро-
дромида самолёт эианалося ёнига келиб, К. Каундани кутиб олди-
лар. (ТАСС).



Давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик халқ хўжалик планини мўддатидан илгари бажарганликлари учун куйи-
дагилар область «Хўрмат тахтаси»га ёзилдилар.

ҚУНИ ЧИРИҚ РАЙОНИ БУНИЧА
«Коммунизм» совхози (директори С. Зокпиров, партия ташкилотининг секретари П. Сахнов, касабасоюз комитетининг раиси У. Тоғабоев, комсомол ташкилотининг секретари А. Хасанов ўртоқлар).

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини (директори Ж. Хоназаров, партия ташкилотининг секретари Қ. Ғофурова, касабасоюз комитетининг раиси А. Алиев, комсомол ташкилотининг секретари А. Камеков ўртоқлар).

БЕКОВД РАЙОНИ БУНИЧА
«Победа» колхозини (раиси Д. Қўзбобоев, партия ташкилотининг секретари П. Рисбобоев, касабасоюз комитетининг раиси О. Маматкулов, комсомол ташкилотининг секретари А. Эгамов ўртоқлар).

«Ленинград» совхозини (директори А. Хайдаров, партия ташкилотининг секретарининг ўринбосари Шонурматов, касабасоюз комитетининг раиси Шонурматов, комсомол ташкилотининг секретари Хусниддинов ўртоқлар).

ГУЛЛАБ ЯШНАЁТГАН ЎЛКА



БҮГҮНГИ НУКУС.

А. Тўраев фотоси.

ДЎСТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Қ. КАМОЛОВ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ,
СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ

ТУҒҚИЗИНЧИ беш йилликнинг белгилари йили, Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Компартияси ва Қорақалпоғистон АССРнинг ярим асрлик шонли юбилейи йили қорақалпоқ халқининг меҳнат бунёдкорлиги, унинг партия XXIV съезди тарихий қарорларини бажариш учун ҳармай-томай олиб бораётган кураши йилномасида ўчмас ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Совет халқлари ленинча дўстлиги порлоқ кўши остида ўлкада муваффақиятларга эришилди.

ШОНЛИ санани байрам қилар эканмиз, автоном республиканинг совет халқларининг дўстлигини ва ҳамкорлигини, кўп миллатли Совет давлатини мустақамлашга ва ривожлантиришга, социалистик ва коммунистик қурилишнинг муштарак ишига катта ҳисса қўшганлиги учун Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлигини эътибор билан тилга оламиз.

Халқимизга янги, чинакам озода ва бахтиёр ҳаёт йўлини улуғ Ленин ва унинг партияси кўрсатиб берди. Бу йўлни октябрнинг сўнмас кўши чароғон этди. Биз Октябр, социалистик революциянинг галабаси ва Ленин голларининг тантанаси тўғрисида яхшидан тарихий галабаларга эришдик.

Партия ва ҳукумат Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ миллий чечма улканларни иқтисодий, социал-сиёсий жиҳатдан жадал ривожлантириш йўлини белгилаб берди. Бу ленинча доно йўлнинг амалга оширилиши натижасида чор Россиясининг сойқ бошқа чечма улканлари сингари Қорақалпоғистон ҳам асрий қолқонликка қисқа муддат ичида барҳам бериб, барча совет халқлари билан бир — сафда янги ҳаёт қуришга киришди.

Ушмида бир бурда нон учун бойга эртаюкеч бет эгишга мажбур бўлган, очлик-яланғочлик, ўта қашшоқлик, муҳтожлик, саводсизлик азобиди йўқ бўлиб кетишга маҳкум этилган қорақалпоқ халқи совет даврида ўсиб ўнди, ҳар томонлама камолотга эришди, шинам посёлкалар ва замонавий шаҳарларда яшоб, озода меҳнат гашини сурмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Қорақалпоғистонда хўжалиқини социалистик асосларда қайта қуриш муваффақиятли амалга оширилди, беш йилликлар мобайнида экономика ва маданиятни гуллаб-яшнашга катта ютуқларга эришилди. Республикада кўпга киритган тарихий муваффақиятлар Лениннинг қолоқ мамлакатлар илор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан машаққатли капиталистик ривожланишнинг четлаб ўтиб, совет тузумига ва ривожланишнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин, деган доно баъшорати нақадар тўғри элигининг яққол тасдиғи бўлди.

Тузумнинг социалистик уклады республикада ишлаб чиқарувчи қуларини иссиқсиз ривожлантириш натижаси берди. Революцияга ўч йилда ишлаб чиқарилган маҳсулоти маҳсулотини ҳозир саноатимиз бир кунда ишлаб чиқармоқда.

Республикада энергетика, пахта тозалаш, ёғмо, баллиқ-консерва, металл ишлаш, полиграфия, бинокорлик, ёғочни қайта ишлаш ва индустриянинг бошқа тармоқлари эндида барпо этилди ёки батамом реконструкция қилинди. Кейинги 20 йилда электр энергия ишлаб чиқариш 45 баравар кўпайди. Тахматон ГРЭС Орол бўйи ва Қорази воҳсининг ҳамма томонларига электр энергияси етказиб бермоқда. Қисқа вақт ичида 200 минг киловаттлик икки турбогенератор ўрнатилди. Янги келгусида яна бир кучли турбогенератор ишга туширилди. Юқори воқити электр линияларининг резерв системаси қурила бошланди.

Экономикамизнинг жадал ривожланиб бораётганлиги халқ хўжалигимиз учун янги энергетика ресурсларини ишга солишни талаб қилмоқда. Янги йиллар ичида азотли ўғитлар заводи, ил газлана комбинати, трикотаж, тикувчилик ва пиллакашлик фабрикалари, қурилиш индустриясининг кўпгина корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда. Қўриқ ерларда ташкил этилаётган хўжаликларга, чорвачилик комплекслари ва бошқа халқ хўжалик объектларига кўплаб электр энергия керак бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукумат иккинчи, янада қучлороқ электр станцияси қуриш ҳақида қарор қабул қилди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республика қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашган тармоққа айланди. Қишлоқ меҳнатчилари йил сайин янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Революцияга 1973 йилда Қорақалпоғистонда 16 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, бу йил республикамиз деҳқонлари мислсиз мўл ҳосил етиштирдилар — Ватанга 360 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди. Давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ошриб бажарилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг қорақалпоқ деҳқонларининг аjoyиб галабаси муносабати билан йўллаган табрик телеграммаси, республика қишлоқ хўжалик меҳнатчиларини гоят хушнуд қилди, уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди.

Янги келажакда республика қишлоқ хўжалиги олдида кенг истиқболлар очилмоқда. Тахматон — Туямўйин гидросистемасининг ишга туширилиши билан Амударёнинг қуйи қисмларида юз минглаб гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Бу ерларда етиштирилган ҳосил эса бойлигимизга бойлик қўшади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ маорифи тўғрисида, янги кишини тарбиялаб юзга етказиш ҳақида, совет кишиларини коммунистик идеалларга чексиз сadoқат руҳида тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда Туркиядагидан олти баравар кўп олий маълумотли мутахассислар ишлаб турибди. Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ҳар ўн минг аҳолига студентлар сойқ жиҳатидан ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ортда қолдириб кетди.

Умумий таълим мактабларида, техникумларда, ҳунар-техника билим юртларида, педагогика институтда, қардош республикаларнинг олий ўқув юртларида Қорақалпоғистоннинг ҳар ўч аҳолисида бир ўқимокда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида, Т. Г. Шевченко номидаги педагогика институтда 280 фан кандидат ва 14 фан доктори меҳнат қилмоқда.

Қорақалпоғистон халқининг ўзига хос маданияти гуллаб-яшнамоқда. Ставкиславский номидаги драма театри ва Бердах номидаги Давлат филармонияси иккундай коллективлари, халқ театрлари коллективларининг санъати автоном республикадан ташқари Ўзбекистон, қардош республикаларнинг томошабинларига ҳам гоат манзур бўлмоқда.

Қорақалпоғистон адабларининг асарлари кўпгина тилларга таржимна қилинган. Москваликлар ва ленинградликлар, минскликлар ва ашхободликлар, кўпгина социалистик мамлакатлардаги дўстларимиз бизнинг бахшларимиз, рассомларимиз, композиторларимиз, артистларимизнинг санъати билан яхши танишдилар.

Шаҳарларимиз юксалмоқда ва кундан-кунга чирой очмоқда. Кўпгина қолхоз ва совхозларда газ, водопроводи, канализация системаси, турли маънавий хизмат қўрсатиш тармоғига эга бўлган шаҳар тилкидаги посёлкаларини қуриш авж олдириб юборилди.

Қишлоқларда клублар, кутубхоналар, маънавий хизмат қўрсатиш комбинатлари тобора кўпаймоқда. Ўқитишга электрлаштириш поёнига етказилди. Эндиги вазира — шаҳар ва қишлоқларимизни тўла газлаштиришдан иборат.

Қорақалпоғистон — кўп миллатли автоном республикадир. Унда оқсодан кўпроқ ишлаб бажарилар бир аҳил санга фарзандларидек яшоб, меҳнат қилмоқдалар.

ҚўШ орденли автоном республиканинг меҳнатқушлари КПСС Марказий Комитети 1973 йил Декабры Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг қарорларига, совет халқига Мурожатига жавобан ўзининг бутун куч-гайратини партия тарихий XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқдалар. Улар партия раҳбарлигида меҳнатдаги муваффақиятларини бундан буюқ ҳам кўпайтираверадилар, социалистик давлатимизга куч-қудратининг манбаи — совет халқлари бузимас дўстлигини мустақамлашверадилар.



ЎРТА ОСИЕ — МАРКАЗ

газопроводи магистрალი шу

қуиларда Қорақалпоғистон

АССР территориясидан ўтмоқ

да. Қўнғирот компрессор стан

цияси Бухоро-Урал магистрალი

га газ етказиб беришни таъ

минламоқда. Бу суратлар ана

шу станция ҳаётидан бир лав

ха. (Юқорида) Станция участ

каларидан бирида. (Ўртада)

турбокомпрессор цехининг ил

гор машинистларидан Е. Куз

нечиков. (Пастда) оператор Т.

Дуюнова агрегатлар ишларини

назорат қилмоқда.

В. Таран фотолари.

ҚУЁШ ЭЛИ

Иброҳим ЮСУПОВ,

Ҳей сен, қуёш эли, мангу нуристоним — Россиям, Бахтимизнинг, эркимизнинг ҳур достони — Россиям. Ибрат олиб ёруғ-ёруғ қуларингдан, дилингдан — Қулуғ сента, қамол тошган қорақалпоқ элидан. Дўст онда оқсоқоли, оғасан сен ўзинг, Кўлиб боққан тоғларимиз оҳангисан сен ўзинг. Лениним — мангу қуёш, сенсан унинг Ватани. Шулар қуёшнинг нури алаб қулар хушвақт ўтади. Илар бўлса ёниб бахтин қайсики халқ дунёда. Иуларини ёритувчи қуларнинг бор аёиде... Эзгу йўлда йўлбошчисан, сен келажак маёғи, Шундан эрур умидларинг сен деб қулоқ ёймоғи! Иули тушиб борар бўлса Москвага ҳар киши, Тагин қулуғ туюлгуси дўстлик иши, эрк иши. Доҳий Ленин изи тушган хиебонлар, қўчалар. Ҳар кишининг ҳаёлига ўз еридай қўчалар. Бу эл меҳри тинчликларга тўйғуларга дил берар, Шухратидан ғанимларни япроқдайин қалтирар. Ҳей Россиям, қуёш эли, тинчлик қушин биланг. Бу кун сенинг доврўнгини бутун жаҳон билди. Қорақалпоқ элининг ҳам ўзини сен танитдинг. Тонг юздан булутларин сен узлатга аритдинг. Бахт қуёшин йўғирган эл, қардошимиз омон бўл, Ҳур онда оқсоқоли, ҳей оғамиз омон бўл! ОТАЕР таржимаси.

ЛЕНИН ТИЛИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Автоном Республикасида рус тили 1924 йилдаёқ чинакамга ўрганила бошланди. Тажрибали рус педагоглари Қорақалпоғистон мактаблари учун дарсликлар, программалар тузишда катта ёрдам бердилар. Қорақалпоғистон АССРда рус олимлари ва педагогларида Е. Д. Поливанов, Н. П. Архангельский, С. Е. Малов, Н. А. Баскаков, А. В. Миртов, В. А. Чипнова ҳамда бошқаларнинг номлари зўр ҳурмат билан тилга олинади.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми меҳнатқушларининг илтимосига қўра ўзининг 1940 йил 18 июль фармони билан рус алфавити асосида янги қорақалпоқ алфавитини қабул қилган эди. Эндликда Қорақалпоғистондаги 770 мактабда 217.958 бола таълим олмақда. Уларнинг ҳаммаси она тили билан бир қаторда рус тилини ҳам ўрганимоқдалар. Бу эса уларга жаҳон маданияти хазиналаридан баҳраманд бўлиш йўлини очиб беради.

Ана шу фактларнинг ҳаммаси филология фанлари кандидати Анвар Жақсирбоевнинг «Дўстлик ва қардошлиқнинг синналган воситаси» деган китобида келтирилади. Бу китобни «Қарақалпакия» нашриети чиқарган. А. Жақсирбоев ўз асарини Қорақалпоғистоннинг олтин юбилейига бағишлади.

Китобда халқ шоирлари Солиқ Нурибегов, Аббос Добитовларнинг, Автоном республика ёзувчиларининг оқсоқоли Жўлмира Ойнираевнинг, шунингдек бошқа қорақалпоқ шоирларининг рус тилига бағишланган шеърлари ҳам босилган.

РЕСПУБЛИКА ЭКСПОРТИ

ТАХНАТОШДАГИ тегиримон комбинатининг шоди заводи белгивалик пиво пиширувчи лардан оқшоқ етказиб бериш тўғрисида катта бурюрма олди. Оқшоқнинг дастлабки туркуми ҳозирдаёқ жуъатилди. Қорақалпоғистонда замонавий қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариш вужудга келтирилди. Қорақалпоғистон маҳсулотининг халқаро бозорга чиқарилаётганлиги бунинг далилидир. Ҳар йили автоном республикадан халқаро мўйна аукционларига неча ўн минглаб қоранул тери жуъатилмоқда. 12 мамлакат қорақалпоқ пахта толасини олиб турибди.

Амударё қуйида янгиб олинадиган қишлоқ илдири ГДР, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларнинг фармакология ҳамда химия марказларида юксак баҳоланмоқда.

Қорақалпоғистоннинг денгиз неъматлари ҳам чет мамлакатларда яхши маълум. Масалан, Прага ва Будапештда ихтисослаштирилган «Орол» магазинлари ишлаб турибди. Махсус рефрижератор контейнерларда консервалланган ва дулданган баллиқларга эмас, бир неча соат ичида Чехославкия ва Венгрия пойтахтларига етказиб бериладиган тирик баллиқлар ҳам келтирилади.

Янги театрда айланандиган саҳна бўлиб, 900 ўринли зали, кенг фойсес, артистлар ва техник ҳодимлар учун қулай хоналар бор. Залдаги ҳар бир ўрин радиоланштирилган. Театр энг янги саҳна ва ёритиш усуллари билан таъминланган.

Область партия комитети билан Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Автоном республиканинг 50 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлиси ана шу янги театр залда ўтказилди. Қорақалпоғистоннинг «Ажинеъ» номли биринчи операсининг премьераси ҳам шу ерда қўрсатилди. (ЎТАГ).

Жўлмира ОИМИРЗАЕВ

ХУШ КЕЛИБСАН, МЕҲМОН!

Эшигимиз очикдир доим меҳмонга. Ноз-неъмат тўлиқдир ҳуш дастурхонга. Аму бўйидаги ажиб бўстонга. Хуш келибсан, азиз, севикли меҳмон! Азим дара бўйи, Орол қирғоғи — Яшнаган чаманзор — юртинг гулбоғи. Меҳмон кутиб элининг яйраб димоғи. Хуш келибсан, азиз, севикли меҳмон! Бунда пахтазорлар ястаниб ётар.

Боғбонлар санъати ҳайрат уйғотар. Одамлар-қў дилқаш, ширин сўз қотар. «Хуш келибсан, азиз, севикли меҳмон!», Сен қўйсанг муборак қадам биз сари, Нечун кутламасин Аму мавзлари. Хизматинга шайдир бизда ёшқар, Хуш келибсан, азиз, севикли меҳмон! Қорақалпоқчадан М. МИРЗАЕВ таржимаси.

Тўлеберген МАТМУРОВОВ.

ҚУДРАТ

Бутун дунё юзи сел бўлар ёшдан. Агар йиллайверса жамин одамлар. Унда кўкармайдиган ҳатто гиёҳ ҳам. Унда қайда бизга тотли таомлар... Агар бирдан кулса барча одамлар, Унда она ерга тил битар эди. Кумуш тоғлар ила хуш ўтиб дамлар. Ҳар босган изларда гул битар эди.

ЕР БИЛАН СУҲБАТ

— Юрсак қадримиз сенинг устингда, Ўласак ҳам қадримиз сенинг устингда. Сен ўласан гар, қабринг о, онажоним, Қайси чексизда бўлар дунёнинг? — Сизлар ўлгандан сўнг бўлмас ҳеч қадрим, Билмайман, қайда бўлади қабрим. Қайда бўлишин билдиш фойдасиз, Барибир барчангиз ўз бағримдасиз! Қорақалпоқчадан Музаффар ТУРБОВ таржималари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРининг умумий ер майдони 165.5 минг квадрат километрга тенг. Бу Ўзбекистон ССР территориясининг учдан бир қисмидан сал ортқирқидир.

ҚАССРда 12 та маъмурий район, 8 та шаҳар ва 9 та шаҳар типидagi посёлка бор.

ҚАССР халқ хўжалигини юксалтиришда эришган муваффақиятлари учун 1959 йили Ленин ордени билан, 1972 йили Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланган.

УЛУҒ Ватан уруши йилларидаги жасорати учун автоном республиканинг 14 фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига, меҳнатдаги муваффақиятлари учун ишчилари, қолхозчилар ва энёилардан 25 киши турли йилларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар.

1924 йилда Қорақалпоғистонда 2 та пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, буғ билан ишлайдиган тегиримон бор эди. Тўртқўлдаги ичкинагина электр станцияси бир йилда 20 минг киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарарди.

СОВЕТ ҳокимияти йилларида республикада саноат ишлаб

чиқариш қуввати 150 баравар ортди. Энергетика, пахта тозалаш, баллиқ консервалаш, металл ишлаш, полиграфия ва саноатнинг бошқа соҳалари вужудга келди. Электр станцияларини қуввати 360 минг киловатт-соатга етди. Сўнгги йилда 1 миллион 157 киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди.

СОВЕТ ҳокимияти йилларида автоном республикада қишлоқ хўжалигида фойдаланади

ган ерлар 3.5 баравар, пахтанинг ҳосилдорлиги 4.2 баравар, шол етиштириш 2.3 баравар кўпайди.

1924 йилда Қорақалпоғистонда бор йўғи 4 та бошланғич мактаб бор эди. Ҳозир 636 та умумий таълим мактаби ёш. 1973 йилда 19 та ўрта махсус билим юрти, 12 та ҳунар-техника билим юртида 20 мингта яқин киши ўқимокда.

АВТОНОМ республиканинг

11 та илмий муассасасида 565 илмий ҳодим тадқиқот ишлари олиб бормокда. Уларнинг ярим фан кандидатларидир.

СОВЕТ ҳокимияти йилларида соғлиқни сақлаш ишлари тўдан яхшиланди. Революция, дан йилари Қорақалпоғистонда бор йўғи икки врач ишлаган. Ҳозир эса 7.2 минг врач ҳамда ўрта маалакии медицина ҳодими меҳнатқушлар соғлигини тиниб посбондир.

